

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**КАДИРХОДЖАЕВ АЪЗАМ АЛИШЕРОВИЧ**

**КЎЧКИЛАРДАН ЭРТА ОГОҲЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАР ВА МОНИТОРИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кадирходжаев Аъзам Алишерович**

Кўчкилардан эрта огоҳлантиришда замонавий бошқарув  
тизимлар ва мониторинг технологиялари.....3

**Кадирходжаев Аъзам Алишерович**

Современные системы управления и технологии мониторинга  
для раннего предупреждения оползней.....20

**Kadirhodjaev Azam Alisherovich**

Modern management systems and monitoring technologies  
for early warning of landslides.....36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ  
List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**КАДИРХОДЖАЕВ АЪЗАМ АЛИШЕРОВИЧ**

**КЎЧКИЛАРДАН ЭРТА ОГОҲЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАР ВА МОНИТОРИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/GM17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Бакиев Саидвасим Алимович**  
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

**Эргашев Юлдошбай**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Минченко Вячеслав Дмитриевич**  
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Сейсмология институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.T.03.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» 12 соат 11 дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00/227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№87-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00).

Диссертация автореферати 2020 йил «05» 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил «05» 12 дақиқасида №1-рақамли реестр баённомаси).



*A. Poshev*  
**Рахимов А.А.**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

*Sh. Karimov*  
**Каримов Ш.А.**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
т.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD)

*I. Habibullaev*  
**И. Хабибуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Дунё миқёсида тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ривожланадиган ҳавfli геологик жараёнларни доимий кузатиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бундай турдаги табиий офатлар жамиятга келтирадиган иқтисодий ва ижтимоий талафотлари кўламининг кенглиги билан ажралиб туради. Буни Бирлашган миллатлар ташкилотининг табиий офатлар ҳавфини камайтириш бўйича бошқарувининг «1998 йилдан 2017 йилгача табиий офатлар натижасида жаҳон бозорининг молиявий йўқотишлари 251 %га ўсганлиги тўғрисида»ги маълумотларидан ҳам билиш мумкин. Бу борада геологик ҳавф-хатарларни аниқлаш ва бошқариш бўйича илғор Япония, АҚШ, Италия, Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу амалга оширилаётган тадбирлар ҳавfli геологик жараёнлар (кўчкилар) тарқалган ҳудудлардаги аҳоли пунктлари ва ишлаб чиқариш объектлари ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида ҳавfli геологик жараёнлари вужудга келишининг дастлабки босқичларида аниқлаш ва уларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан бундай механизмларни аниқлаш, самарали бошқариш, илғор технологиялар кўллаб мониторинг қилиш, эҳтимоли юқори ҳавф тенденцияларини баҳолаш каби устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2015 йилда учинчи Бутунжаҳон анжуманида табиий офатлар ҳавфини камайтириш бўйича Сендай доиравий дастури ҳам қабул қилинган. Ушбу тадқиқотлар натижалари, ўз навбатида, табиий офатларни олдиндан аниқлаш ва талафотларини камайтириш бўйича муайян чора-тадбирларни амалга оширишга имкон яратади.

Мамлакатимизда кўчки жараёнларини мониторинг қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, республиканинг 21,3% ҳудудини қамраган тоғ ва тоғ-олди ҳудудлари ва унинг 40% ҳавfli экзоген геологик жараёнлар юз бериши эҳтимоли бўлган ҳудудларда 7 та станция ташкил этилган ва актив геологик жараёнларни доимий кузатиш тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бунда кўчкилардан эрта огоҳлантиришда замонавий бошқарув тизимлари ва мониторинг технологиялари бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 909-сон «Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фани ва технологиясини тараққиётининг устувор йўналишларига, VIII қисм «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)»га мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий офатлар, уларнинг шаклланиши, кўчкилар хавфи масалалари билан хорижий давлатларнинг Д.Киффер, К.Сасса, П.Канутти, Т.Трофимова, Г.Тер-Степанян, А.Рагозин, А.Шеко, В.Круподёров, В.Осипов, Саро Ли, Х.Нефесоглу, Б.Сан, Р.Баум, Д.Годт каби олимлари ва муҳандис-геологлари шуғулланганлар. Ўзбекистонда Г.А.Мавлянов, Р.А.Ниязов, М.М.Мирасланов, В.П.Ким, Ш.Х.Абдуллаев, В.Д.Минченко, Б.И.Туляганов ва бошқалар ўрганганлар.

Шу билан бирга, сўнгги даврларда ахборот коммуникация технологияларининг ўсиши билан боғлиқ илғор ёндашувларнинг сезиларли даражада ривожланиши сабабли, мониторинг технологияси ва замонавий бошқарув тизимлари доирасидаги тадқиқотларни янада таргетлаш, жаҳон амалиётини кенг қўллаш ҳамда уларни ҳудудлар шароитларига мослаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ушбу илмий иш кўчкиларни эрта огоҳлантиришда мониторинг технологиялари ва замонавий бошқарув тизимларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда, комплекс тизимли ёндашув натижаларига асосланган, ахборот таҳлили ҳамда картографик материалларни асосида юқоридаги муҳандислик муаммоларни тизимли ва янада самарали тадқиқ қилишдан иборат.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Хавфли геологик жараёнларни (ХГЖ) кузатиш давлат хизмати ҳамда Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Республика тоғ ва тоғолди ҳудудларини кўчки хавфига мойиллик жиҳатидан 1:25000 миқёсда хариталаш» (2013-2016) ҳамда «Республика табиий хавфлар юқори зоналарининг давлат кадастрини юритиш (2015-2018) каби амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хавфли геологик жараёнлар мавжуд ҳудудларида замонавий мониторинг технологиялари ва бошқарув услублари орқали назорат тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инновацион илмий-техник ютуқлардан фойдаланган ҳолда халқаро тажриба ва кўчкилар хавфини баҳолаш услубларини чуқур таҳлил қилиш;

кўчкилар ва унга сабаб бўлган омиллар ўртасида ўзаро боғлиқликни, шунингдек, бундай боғлиқлик даражасини интерактив ва илмий жихатдан таҳлил қилиш учун эҳтимоллик ёндашув услубини жорий этиш;

аҳоли пунктлари ва бошқа объектларни кўчкилар таъсиридан ҳимоя қилиш учун кўчкига қарши чораларни амалга ошириш ва қарор қабул қилиш учун йирик кўчкиларнинг ҳалокатли оқибатлари эҳтимолини таҳлил қилиш;

йирик кўчкилардан эрта огоҳлантиришда замонавий технологиялар асосида мониторингини такомиллаштириш, уларнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида тегишлича аҳолини огоҳлантириш;

хорижий тажриба ва мувафақиятли лойиҳалар таҳлили асосида ХГЖ фаол ривожланувчи ҳудудлардан оқилона фойдаланиш тавсияларини бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёси юқори қисмидаги йирик кўчкилар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Чирчиқ дарёси юқори қисмидаги характерли кўчки объектларининг шаклланиши, ривожланиш шароитлари ва хусусиятлари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни амалга оширишда аниқ материалларни ва хорижий тажрибани илмий таҳлил қилиш, дала муҳандислик-геологик тадқиқотлар, ер усти 3D сканерлаш методикаси, ретроспектив таққослаш таҳлили, математик статистика, космо-ва фотосуратларни ўрганиш, ГИС ва хариталаш натижаларини қайта ишлашни ўз ичига олган комплекс усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кўчкилар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни интерактив таҳлил қилиш имконини берувчи эҳтимоллик ёндашуви асосланган;

хавфли геологик жараёнларни таҳлил қилиш тамойиллари ва услублари тўлиқ тавсифланиб такомиллаштирилган;

йирик кўчки намоёнларини тасвирлаш имконини берувчи объект таҳлиliga йўналтирилган концептуал модел асосланган;

тўпланган маълумотларни ягона концептуал асосга бирлаштириш билан кўчкилар ва атроф-муҳит омилларининг ягона базаси яратилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эҳтимоллик таҳлили ёндашуви асосидаги частоталар нисбати моделидан фойдаланган ҳолда кўчкилар юзага келишининг 16 та топографик ва геологик факторлари келтирилиб, кўчкига мойиллик харитаси тузилган;

геоинформацион тизимдаги (ГИС) топографик маълумотларнинг кўчки намоёнлари маълумотлар базаси ва унинг омиллари билан интеграцияси амалга оширилган бўлиб, ўзаро боғлиқликни рақамли ва миқдорий жихатдан ишончли таҳлил қилиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** кўчкилар ва уларни вужудга келтирувчи турли факторлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг чуқур таҳлили билан асосланган. Бунда ишлаб чиқилган частоталар нисбатининг эҳтимоллик модели ҳамда кўчкиларни юзага келиши юзасидан тўпланган маълумотлар, кўчки ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни интерактив фазовий баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, кўчкига мойиллик харитасига мувофиқ частоталар коэффициенти моделининг аниқлиги 82%ни ташкил этиши, бевосита кузатувлар жараёнида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эҳтимоллик, фазовий структуралар таҳлили ва интерактив хариталашни ўз ичига олган жаҳон амалиёти, тавсиялари ва ечимларини мужассамлаштириб, мониторинг технологиялари ва бошқарув тизимининг илгари сурилиши ҳисобланади. Ушбу технологиялар ва бошқарув тизимини ўз ичига олган услубият кўчкилар ва сабабчи омиллари ўртасидаги интерактив боғлиқликларни самарали таҳлил қилишда келгусидаги илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ХГЖ мониторинги ва муҳандислик-геологик тадқиқотларига замонавий 3D сканерлаш усуллари, ретроспектив таққослаш таҳлили, математик статистика, космо- ва фотосуратларни қайта ишлаш, ГИС технологиялари ёрдамида хариталаш каби комплекс усулларни кўчки хавфи юқори учаскаларда қўллашга имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўчкилардан эрта огоҳлантиришда замонавий бошқарув тизимлари ва технологиялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўчкиларни аниқлаш бўйича частоталар нисбати услубияти «Давлат кузатиш хизмати» ДМнинг муҳандислик-геологик тадқиқотларига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 04/08-сон маълумотномаси). Натижада, йирик кўчкилар хавфини баҳолашга хизмат қилган;

частоталар нисбати бўйича эҳтимоллик модели «Давлат кузатиш хизмати» ДМнинг мониторинг объектларида жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 04/08-сон маълумотномаси). Натижада, кўчкилар ва уларнинг сабабчи омиллари ўртасидаги интерактив боғлиқликларни аниқлаш имконини берган;

кўчкилар эҳтимоли юқори ҳудудлар хариталарини тузишнинг такомиллаштирилган услубияти «Давлат кузатиш хизмати» ДМнинг фаолиятига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 04/08-сон маълумотномаси). Натижада, частота модели аниқлигини тасдиқлашга ҳамда Бўстонлик туманидаги тоғли ҳудудларда кўчки эҳтимоли зоналарини самарали ажратишга асос бўлиб хизмат қилган;

кўчкиларни аниқлашда частоталар нисбати услубияти ва модели Корея геология фанлари ва минерал ресурслар институтида инженер геологик тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилишда фойдаланилган (КИГАМ институтининг 2020 йил 20 июлдаги 314-82-02238-сон маълумотномаси). Натижада, йирик кўчкилар ва уларга таъсир этувчи асосий омиллари ўртасидаги фазовий муносабатларини ишончли ва сифатли таҳлил қилиш, кўчкилар зонасини интерактив хариталаштириш ҳамда кўчкилар эҳтимоли юқори нуқталарини ажратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та республика ва 2 та мақола импакт факторига эга хориж журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 матнли бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Киришда** тадқиқотларнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари асосланрилиб, объект ва мавзу атрофлича тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилиб, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган. Шу билан бирга, тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти, муҳандислик-геологик ишларининг амалиётга жорий этилиши ёритилиб, эълон қилинган мақолалар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **«Ўзбекистонда хавфли геологик жараёнларни муҳандислик-геологик ўрганишнинг тарихи ва замонавий ҳолати»**га бағишланган бўлиб, 3 та параграфдан ташкил топган.

Биринчи параграфда *«Марказий Осиёда муҳандислик-геологик тадқиқотлар тарихи»*га эътибор қаратилиб, тадқиқотлар ҳолати, минтақада изчил ривожлангани ва гидрогеологик жиҳатдан ўрганилганлиги ёритилган.

Иккинчи параграф *«Ўзбекистон кўчки хизматининг ташкил этилиши ва фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асослари»*га бағишланиб, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати ташкил этилиши (08.04.1994 й. 194-сон) ва хулосаларининг республика мақолада юридик кучга эгаллиги, мутахассислари эса давлат инспекторлари ҳисобланиши таъкидланган.

Учинчи параграфда *«Хорижий давлатларда хавфли геологик жараёнларни (ХГЖ) мониторинг ҳолати ва халқаро амалиётлар таҳлили»* келтирилган, шу жумладан Фарбий Европа, Жанубий Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва МДХда атроф муҳитни мониторинг қилишнинг, шу жумладан ХГЖ мониторинги бўйича миллий (федерал) хизматлари фаолияти ҳамда илмий-амалий дастур ва лойиҳалар доирасида самарали кузатувларни ташкил этиш тажрибаси ва таҳлили келтирилган.

Иккинчи бобда **«ХГЖларни ўрганишда муҳандислик-геология методлари ва директив тамойиллари»** келтирилиб, 4 параграфдан иборат.

Биринчи параграф *«Кўчкиларни ўрганиш соҳасидаги ривожланиш тенденциялари ва замонавий талаблар»*га бағишланиб, ҳудудларнинг жадал равишда ўзлаштирилиши натижасида, мониторинг жараёнида замонавий усул ва ахборот-коммуникация технологияларининг муҳимлиги ёритилган.

Иккинчи параграфда *«Замонавий талаблар шароитида кўчкиларни ўрганишда муҳандислик-геология тадқиқотларининг асосий вазифалари»*да кўчкилар кўламининг тобора ортиши, жадаллашуви ва ҳар йили такрорланиши, аҳоли ва хўжалик объектларига доимий хавфини туғдиради, бу эса ўз навбатида фавқулудда вазият ва хавфни бартараф этишда моддий зарарни юзага келтиради.

Кўчкилар ва уларни келтириб чиқарувчи турли омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлили нафақат кўчкилар механизми ҳақида, балки келгуси кўчкиларни башорат қилиш ва улар хавфини баҳолаш учун ҳам асос бўлади. Бу ёндашувлар частоталар нисбати, логистик регрессия, ечимлар алгоритми ва таянч векторларни ажратишни ўз ичига олган.


Учинчи параграф «Чотқол-Қурама зонасида характерли кўчки объектларини танлаш»га, асосий шаклланиш омилларини тавсифлаш бўйича батафсил тадқиқотларни ўтказиш учун Текстильщик ва Мингчукур кўчкилари таҳлиliga бағишланган. Жаҳон амалиёти таҳлиlinи ҳисобга олган ҳолда, илмий ишда фойдаланилган тамойил ва усуллар, ёндашувнинг афзаллик ва камчиликлари, шунингдек келгуси тадқиқотлар йўналишлари тасвирланган.

Тўртинчи параграф «Тадқиқот ҳудудининг геологик, гидрогеологик ва муҳандислик-геологик хусусиятлари»га бағишланган.

Учинчи бобда «Йирик кўчки майдонларининг муҳандислик-геологик хусусиятлари» кўриб чиқилган. Боб 3 параграфдан иборат.

Биринчи параграфда «Тадқиқотлар ҳудудининг табиий шароитлари ва асосий характерли жиҳатларини таснифлаш» келтирилиб, бунда ҳудуд геологик-тектоник тузилиши, геморфологик хусусиятлари батафсил баён этилган, тоғ жинслари гидрогеологик тавсифномаси, муҳандислик-геологик таркиби ва хусусиятлари берилган. Ҳудуднинг метеорологик параметрлари ва ХГЖлар шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиши келтирилган.

Иккинчи параграфда «Текстильщик йирик кўчкисининг шаклланиш табиати ва ривожланиши» ҳақида маълумотлар келтирилиб, юқори генерация, қуйи генерация ва кўчки тили бўйича маълумот берилган (1-расм).



1-расм. Текстильщик кўчкиси чизмаси.

Юқори генерациянинг узилиш девори Сижжак терассасининг поғонасига (абс.отм. 1108-1018 м) тўғри келиб, кўчки асосий қисми ва қуйи палласи эса ушбу терасса юзасига тушган (1020-900 м). Қуйи генерациянинг узилиши Қизилсув терассасининг поғонасига тўғри келиб, кўчкининг тил қисми Хумсон терассасининг юзаси устига (850-790 м) тушган (2-расм).



2-расм. Текстильщик майдони космосурати.

Кўчки майдонини ташкил этувчи жинсларнинг, стратиграф-литологик, петрографик ва физик-механик хусусиятлари батафсил баён этилган. Суглинкаларнинг энг катта қалинлиги майдоннинг юқори қисмида - 53 м да бўлиб, қалинлиги 20-30 м дан иборат. Суглинкалар гранулометриқ таркиби бўйича чангсимон (59-78 %) ва лойсимон заррачалардан (13-28%) ҳамда кам даражада (2-1%) қумли заррачалардан ташкил топган.

Гидрогеологик тадқиқотлар натижалари ва шаклланган жинсларнинг кескин ҳолати ҳам келтирилган. 1954-2017 йиллар учун вақт омили сифатида кўчки динамикасининг батафсил тафсифномаси берилган (1-жадвал).

1-жадвал

#### Текстильщик майдонида кўчкининг ривожланиш каталоги


Вужудга келиш йили	Кўриниши	Ҳажми
1954	Кўчки	22,5 млн. м <sup>3</sup>
1979	Кўчки	6,5 млн. м <sup>3</sup>
1980	Кўчки	22,0 м <sup>3</sup>
1987	Кўчки	6,8 тыс. м <sup>3</sup>
2003	Кўчки	9,0 тыс. м <sup>3</sup>
2004	Ёриқ	Узунлиги 20 м гача
2005	Ёриқлар серияси	Узунлиги 600 м гача
2017	Ёриқ	Узунлиги 60м гача

Текстильщик кўчкисада келгусида муайян мониторингни GPS ўлчовлари, булоқлар сарфи ўлчовлари, қудуқлардаги ер ости сувлари сатхи, асбоб ва маркалар бўйича ўлчовлар билан давом эттириш ҳамда қудуқлардаги инклинометрик кузатувларни ва қумни суффозион жараёнлари устидан кузатувни ўтказиш ишлари тавсия этилган (3-расм).




**3-расм. Пастки қияликдаги зоналар ва ёриқлар.**

Учинчи параграф Чорвоқ ГЭС тўғонидан 3,5 км масофада жойлашган «Чорвоқ сув омборида Мингчуқур кўчиси шаклланиши ва ривожининг ўзига хослиги» желтирилган (4-расм).



**4-расм. Мингчуқур майдонинг жойлашув ўрни.**


Кўчки зонаси шаклланишига доир маълумотлар унинг қадимийлигидан ( $Q_{III}$ ), лекин ривожланишда давом этаётганлигидан далолат беради (5-расм).



**5-расм. Мингчуқур кўчки майдонинг чизмаси.**

Мингчукур кўчки майдони кўп поғонали ҳисобланиб, кўчки қиялигининг 15-18<sup>0</sup> умумий нишабликда жойлашган, узунлиги 700 м, бузилиш юзаси 200 м, дрейфловчи (чўкаётган) масса чуқурлиги 30 м, унинг максимал кенглиги 1100 м, майдони 770 минг м<sup>2</sup>, умумий хажми – 50 млн.м<sup>3</sup>.

Кўчкини ривожланиш динамикаси (вақт омили) 1979-1986 йилларда юза реперлари билан (жами 23 репер) ўрганилган (6-расм).



6-расм. 1979-1986 йилларда вақт омили маълумотлари ва ўзгариши жадвали.

2009-2011 йилларда геодезик кузатувлар 9 реперлар бўйича давом эттирилиб, 7 дан 10 тагача цикл ўлчовлари амалга оширилган (2-жадвал).

2-жадвал

Мингчукур кўчкиси бўйича геодезик кузатув маълумотлари (2009-2011 йй.)


Сана	Юқори қисм Rp 70, скв. 10, т-2		Ўрта қисм скв. 8		Пастки қисм к-13, 14, скв.6		Узилиш деворидан баланд т-4, скв.12	
	Sгор, см	Н, см	Sгор, см	Н, см	Sгор, см	Н, см	Sгор, см	Н, см
2009	32,4-50,6	17,4-21,5	33,1	-14,1	21,8-39,5	-4,7	60,4	-81,2
2010	10,4-94,7	-11,8-32,3	16,8	-35,4	18,2-105	-118-30,4	21,2-13,6	-28,2-114,4
2011	50,9-56,3	-23,4-26,5	61,0	-26,0	65,1-85,7	9,9-26,1	53,0	-35-73,9
2009-2011	127,8-201,6	-35,8-89,4	170,9	-75,5	156,6-198,9	-26,4-56,1	38,9-190,1	78,6-290,4
1987-2011	7,45-17,4 м	-4,45-9,44 м	20,8 м	9,2 м	19,1-34,3 м	2,57-12,6 м	0,39-1,90 м	0,79-2,90 м

Якуний 4 боб «Кўчкилардан эрта огоҳлантиришда мониторинг технологиялари ва замонавий бошқарув тизими асосий вазифалари»га бағишланиб, 3 параграфдан иборат.

Биринчи параграфда «Кўчкиларни ўрганишининг жаҳон тажрибаси ва илгор амалиётлари» келтирилиб, бунда деформацион белги координаталарини сунъий йўлдош орқали аниқлаш ва ҳудуднинг 3D модели асосида лазерли сканер қилиш усуллари кўриб чиқилган. Тадқиқотлар кўчкилар ва уларнинг омиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг интерактив таҳлили учун эҳтимоллик ёндашувини ишлаб чиқишга йўналтирилиб, ҳудудда экологик ва кўчки шароитлари аниқланиб, Мингчукур кўчкиси мисолида, ёндашувнинг афзаллиги ва келгуси тадқиқотларга йўналишлар белгиланган.


Иккинчи параграфда «Ёпиқ зона»ларни тезкор ва самарали ўрганишда 3D сканер технологияларини кенг қўллаш»га эътибор қаратилган. Анъанавий текисликлардаги топографик чизмадан ташқари баландликлар белгиси билан рельефнинг юқори деталли рақамли модели (PPM) келтирилган. Бу бўлаётган жараёни тўлиқ кўриниши ва лойиҳалашни енгиллаштириб, яъни мутахассиснинг кўчки устида ёки хавфли зонада туришини олдин олиб, 3D лазер сканери ёрдамида юзани масофадан ўрганиш имконини беради.

Учинчи параграф «Дастлабки маълумотларни тайёрлаш ва «триггер» факторларини солиштиришда частоталар нисбати моделидан фойдаланиш» усулига бағишланган. Бунда кўчкилар инвентаризацияси харитаси, уларга мойиллик омиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун зарур. Ушбу харита 5520 та кўчки нуқталари асосида тузилиб, аэро-фотосурат ва ер усти съёмка интерпретацияси йўли билан аниқланган (7-расм).



7-расм. Рельефнинг рақамли модели ва кўчкининг намоён бўлиши.

Кўчки жараёнларини келтириб чиқарувчи омиллари кўриб чиқилиб, уларнинг вужудга келиши билан боғлиқ 16 омиллар кўриб чиқилди (8-расм).



8-расм. Кўчки сабаб омилларининг фазовий базаси:

a – экспозиция; b – КАИ; c – PPM; d – градиент; ...; o – ТНИ; p – геология.

Топографик ва гидрологик омиллар ГИС SAGA рельеф модули таҳлилидан фойдаланган ҳолда, баландлик матрицасидан курилиб, геологик омиллар эса геологик хариталардан олинган ва 3-жадвалда тақдим этилган.

3-жадвал

**Кўчки бўйича асосий ўрганилган факторлар**

Тоифа	Омиллар	Маълумотлар тури	Масштаб	Манбаа
Топографик омиллар	Экспозиция	Сетка	1: 1 000	Географик ахборотлар миллий институти
	Рельефнинг рақамли модели (PPM)			
	Кундалик анизотроп исиш (КАИ)			
	Градиент			
	Пастга тушувчи қияликнинг локал қинғирлиги			
	Кўтарилишнинг локал қинғирлиги			
	Қияликнинг ўртача жойлашуви (ҚЎЖ)			
	Нишаблик			
	Майдон юзаси			
	Водий чуқурлиги			
	Шамол таъсири			
Гидрологик омиллар	Сув йиғилиш райони	Сетка	1: 1 000	Географик ахборотлар миллий институти
	Оқим узунлиги			
	Рельефнинг эрозияли потенциали (LS)			
	Намликнинг топографик индекси (НАИ)			
Геология	Литология	Полигон	1:25 000	

Мазкур тадқиқотда топографик омил ва ушбу ҳудудда кўчки юзага келиши ўртасида корреляция қанчалик самарали эканлигини аниқлаш учун частота коэффиценти модели қўлланилган.  $R^2$  детерминация коэффиценти статистик кўрсаткич бўлиб, мустақил ўзгарувчанлик билан изоҳланадиган тобе ўзгарувчанлик учун дисперсия улушидан иборат (Квалсез, 1985).  $R^2$  – моделни қўллаш самарадорлиги статистикаси (Камерон ва Уиндмейер, 1997).

Кўчкини келтириб чиқарадиган омиллар учун топографик хусусиятларни баҳолаш амалга оширилган. Модел учун 0,4 ўлчамдаги охири чегара кўрсаткичи билан  $R^2$  ҳисоблаш орқали мувофиқлик самарадорлиги баҳоланган (Чжу ва Нуанг 2006; Домингес-Куэста ва б. 2010).


Регрессив чизиқли моделдан фойдаланиб,  $R^2$  частота коэффиценти 4-жадвалга мувофиқ ҳисобланган.

4-жадвал

**Факторлар бўйича  $R^2$  кўрсаткичи**

Омил		$R^2$
Топография	Рельефнинг рақамли модели	0.405
	Кундалик анизотроп исиш	0.496
	Градиент	0.402
	Қияликнинг ўртача жойлашуви	0.821
	Нишаблик	0.256
	Майдон юзаси	0.262
	Водий чуқурлиги	0.209
	Шамол таъсири	0.944
Гидрология	Сув йиғилиш майдони	0.067
	Оқим узунлиги	0.214
	Рельефнинг эрозияли потенциали	0.866
	Намликнинг топографик индекси	0.004

Диссертацияда кўчкиларга мойилликни хариталаш тавсия этилган. Бу тадқиқ қилинаётган худуд учун кўчкиларга мойиллик индексларини таснифлаш ва ҳисоблаш йўли билан ишлаб чиқилган (9-расм). Мазкур индекс жойни кўчки ҳодисаларига мойиллиги даражасини кўрсатади.



**9-расм. Частоталар нисбати модели ёрдамида кўчкиларга мойиллиги харитаси.**

Аниқликни баҳолаш натижалари асосида модель 0,833 AUC қийматига эга бўлиб, бу Мингчукурда кўчки частотаси коэффициенти аниқлиги **82 %** ни ташкил этишини билдиради. Модель ёрдамида кўчкилар хавфи таҳлилини прогнозлаш, боғлиқ омилларни аниқлаш имкониятлари кенг очилмоқда.


Тўртинчи параграфда *«Кўчкилардан эрта огоҳлантиришида илгор воситалар ва кузатув асбобларидан фойдаланган ҳолда геологик хавфларни мониторинги ва бошқаришнинг мувофаққиятли амалиётлари адаптацияси»* келтирилган. Хусусан, Япония билан ўзаро лойиҳа доирасидаги юза ва чуқурликни ўлчаш учун экстензометр, инклинометр каби юқори аниқликдаги асбоблар ишлатилгани келтирилган. Мисол учун, инклинометр ёрдамида силжиш зонаси ҳолатидан ташқари, чуқурликдаги проекцияси ҳақида маълумот олинган бўлиб, аниқлиги  $\pm 0,01$  мм ни ташкил этган.

Шу билан бир қаторда, кўчкини узилиш девори ва кўчки массивининг ёриқлари юзасини ўлчашга мўлжалланган экстензометрлар ҳам самарали қўлланилгани келтирилган. Ушбу асбоблар кўчки майдонидаги силжишни текшириш, ўз вақтида маълумотлар олиш ва майдонни жорий ҳолатидаги автоматик график ўзгаришларни тузиш, шунингдек нафақат кўчкида, балки қияликдаги ҳолат ҳақида интервенцион қарор қабул қилиш имконини беради.

Текстильшиқ тажриба майдонида 5 та экстензометрлар ўрнатилгани ва 3 та инклинометрик қудуқ бурғилангани маълумотлари берилган.

Бешинчи параграф *«Иқтисод объектлари ва аҳолига хавфни пасайтириш мақсадлари учун замонавий бошқарув тизимини жорий этиш жихатларини ва уларни самарали амалга ошириш бўйича тавсиялар»*ни қамраб олади. Мисол учун, геохавфларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил этиш, ХГЖ майдонларида дронлар ёрдамида дала тадқиқотларини олиб бориш, Digital Twin уч каррали моделлаш интеграциясини ташкил этиш имконини беради. Бундай маълумотлар базаси ҳозирги ва ўтмишдаги геологик офатларни солиштириш орқали геологик хавфни башоратлаш моделини яратишга асос бўлади. Хабардор қилиш тизими эса реал вақт режимида маҳаллий аҳолини фавқулодда эвакуация қилишга ёрдам беради (10-расм).






10-расм. Масофавий сенсорларни қўллаш методикаси.

Бундан ташқари, хавфни бартараф этувчи қуйидаги замонавий усуллар, дастурий таъминот ва ускуналар қайд этилган (11, 12, 13 - расмлар).

- Overall data survey before drilling (anomaly zone, aquifer, layers)
- Drill the site after geophysical survey
- Survey for the ground condition using logging data
- Easy to get rough information about the ground but it is important to get the reliability
- Need to review data using synthetic analysis and drilling data



11-расм. Кўчки массаси параметрларини 3D компьютер моделлаштириш.



Конструкция тасвири



Нишаблик барқарорлашуви тасвири

12-расм. Нишаблик турғунлигини мустаҳкамлаш учун «решоткасиз услуб».



13-расм. Габсионли (уяли) тиргак девор.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқотлар Корея геология фанлари ва минерал ресурслар институти (KIGAM) ҳамда Давлат геология кўмитасининг фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган бўлиб, ишда Текстильшик ва Мингчукур каби йирик кўчкилар ва уларнинг сабаб омиллари ўртасида фазовий муносабатларни ўрганиш учун эҳтимоллик ёндашувидан фойдаланилган. Ёндашув рақамли маълумотлар базаларига асосланиб, эҳтимоллик, фазовий структура таҳлили ва интерактив хариталашни ўз ичига олган усуллардан иборат.

Ҳозирги рақамли тараққиёт даврида табиий офатларни, хусусан йирик кўчкиларни вужудга келиши ва фаоллашувини таҳлил қилишда, геология фанининг замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш, янги технологияларни, шу жумладан Ерни масофадан зондлаш, ГИС технологиялари ва кўчки жараёнларини моделлаштириш каби замонавий усул ва асбоб-ускуналарни кенг қўллаш, хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг илмий-амалий фаолиятини янада такомиллаштиришга имкон беради.

2. Кўчки ва уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, унга мойилликни баҳолашга қаратилган частоталар нисбати асосидаги эҳтимоллик модели ёрдамида таҳлил қилинди. Жами 16 та факторлар топография, гидрология ва геологик омиллар асосида ўрганилди. Барча факторлар тоифа ва сонли омилларга таснифланган бўлиб, тоифа омили сифатида экспозиция, локал нишаблик, паст қиялиги, локал кўтарилиш нишаблиги ва литология олинган ҳамда қолганлари сонли коэффицент сифатида таснифланган. Частоталар коэффиценти кўрсаткичи асосида кўчки, топография, гидрологик омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ушбу частота қийматининг тенденция чизиғига мувофиқ таҳлил қилиш мумкин.

Ҳар бир фактор учун частота коэффиценти қийматининг аҳамияти шундан иборатки, бунда муайян омилларнинг кўчкиларга мойиллигини таҳлил қилишда қанчалик самарали эканини аниқлаш учун баҳоланади. Муайян кўчкига мойиллик омилининг самарасини ўлчаш учун  $R^2$  детерминация коэффицентидан фойдаланилган.

$R^2$  – моделни тўғри танланганини берувчи статистика ҳисобланиб, 6 та узлуксиз коэффицентлар таҳлили асосида  $R^2$  қиймати 0,4 дан юқори бўлса, мутаносиблик юқори ҳисобланади. Бу омиллар PPM (рельефнинг рақамли модели), КАИ (кундалик анизотроп исиш – таъсирларга нисбатан турли физик хусусиятлар), градиент (маълум қийматнинг энг катта ўсиш вектори), ЎНХ (ўртача нишаблик ҳолати) ва LS коэффицентини (нишаб тиккалиги) камраб олган. Нишаблик бурчаги, юза майдони, водий чуқурлиги, сув йиғиш майдони, оқим йўли узунлиги ва намлик топографик индекси каби омилларнинг қиймати эса  $R^2$  0,4 дан паст бўлиб, кўчки юзага келишида кучсиз корреляцияни кўрсатади.

3. Кўчки намоёнлари ва уларнинг сабаб омиллари бўйича маълумотлар базасининг ГИС топографик хусусиятлари билан интеграциялашуви амалга оширилган. Бу нафақат мавжуд маълумотлар базасидан тўлиқ фойдаланиш ва элементар манбааларини йиғиш имконини, балки келгусида кўчкилар

ва топографик хусусиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни рақамли ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ягона маълумотлар базасини яратади.

Бунда частота коэффициентини таҳлил қилишга асосланган эҳтимоллик модели, нафақат кўчкиларнинг умумий хусусиятлари ва атроф-муҳитни ўрганишда, балки бундай муносабатларнинг фазовий ўзгаришини аниқлашда ҳам фойдаланилиши мумкин. Бу кўчкиларни минтақавий даражада башорат қилиш имконини бериб, тадқиқотларда ёғингарчилик интенсивлиги кўчкиларни юзага келишига бевосита таъсир қилишини кўрсатмоқда. Нишаб градиенти ва абсолют баландлик ҳам кўчкилар тарқалишига мойиллик кўрсатиб, кўчкилар ва топография ўртасида ўзаро боғлиқликнинг регионал ўрганиш асоси ҳисобланади ҳамда фаол кўчкиларда қўллаш учун тавсия этилади.

**4.** Частота коэффициенти FR методи (кўчки жойини омиллар билан корреляцияси, олдинги ва келгуси кўчкилар билан мутаносиблиги) кўчки таъсирчанлиги тасвирини таҳлил қилиш учун кўп афзалликларга эга бўлиб, уларнинг умумий хусусиятларини, атроф-муҳит омиллари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва бундай муносабатлардаги фазовий ўзгаришларни аниқлашда ҳам самарали фойдаланилиши мумкин. FR модели тушуниш ва интерпретация қилиш учун содда модель ҳисобланиб, бу ёндашув кўчкиларга мойилликни хариталаш ва моделлашда самарали танлов деб эътироф этилади ҳамда лойиҳачи ва муҳандислар учун фойдали услуб ҳисобланади. Кўчкиларга мойиллик хариталари муҳандисларга ишланмаларини татбиқ қилиш учун мос ҳудудларни танлашда амалий ёрдам бериб, таҳлил натижалари ердан фойдаланишни режалаштириш ва нишабликларни бошқаришда дастлабки маълумот сифатида кенг фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, улардан республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида юзага келган кўчки зоналарида фойдаланиш учун тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

**КАДИРХОДЖАЕВ АЪЗАМ АЛИШЕРОВИЧ**

**СОВРЕМЕННЫЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ  
И ТЕХНОЛОГИИ МОНИТОРИНГА  
ДЛЯ РАННЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ОПОЛЗНЕЙ**

**04.00.04 - Гидрогеология и инженерная геология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером №B2020.2.PhD/GM17.**

Диссертационная работа выполнена в ГП «Институт ГИДРОИНГЕО».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бакиев Саиднасим Алимович**  
доктор геолого-минералогических наук

**Официальные оппоненты:** **Эргашев Юлдошбай**  
доктор геолого-минералогических наук

**Минченко Вячеслав Дмитриевич**  
кандидат геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:** Институт сейсмологии

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в «\_\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.T.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Рахимов А.А.**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Каримов Ш.А.**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней  
доктор философии (PhD) по т.н.

**Хабибуллаев И.**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике придается особое внимание постоянному наблюдению опасных геологических процессов, распространенных в горных и предгорных районах, так как данные стихийные бедствия характеризуются широким спектром экономических и социальных потерь для общества. Это подтверждают данные Управления ООН по снижению риска бедствий, в котором говорится, что с 1998 по 2017 год финансовые потери мирового рынка в результате стихийных бедствий увеличились на 251%. В связи с этим в странах с передовыми методами и опытом, как Япония, США, Италия, Корея и Индия принимается ряд мер для выявления геологических опасностей и управления ими. Принятые меры будут обеспечивать безопасность населенных пунктов и производственных объектов в районах распространения опасных геологических процессов (оползней).

В настоящее время в развитых странах мира проводятся множество исследований, направленных на выявление опасных геологических процессов на ранних стадиях и совершенствование системы управления ими, в частности уделяется особое внимание выявлению механизмов их развития, внедрению эффективного управления, мониторингу с применением передовых технологий и оценке тенденций потенциальных рисков. В данном аспекте в ходе третьей всемирной конференции в 2015 году, принято Сендайская рамочная программы по снижению риска бедствий. Результаты этих исследований позволят реализовать мероприятия по прогнозу георисков и уменьшить ущерб от них.

В республике принимается ряд мер по мониторингу оползневых процессов, в том числе организованы 7 станций постоянного мониторинга в горных и предгорных районах, которые покрывают 21,3% территории страны, где 40% подвержены активным экзогенным процессам (оползни). В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определено, что для ускорения социально-экономического развития, повышения уровня жизни и доходов населения, необходимо обеспечение комплексного и эффективного использования природных и минеральных ресурсов каждого региона»<sup>1</sup>. В данном аспекте приобретает актуальность проведение научных исследований в области современных систем управления и технологий мониторинга для раннего предупреждения оползней.

